**№ СРІО-1504/NET - СОН**
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Тошкент ш.** 2022йил “05” 01

**Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30“ декабрдаги № 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг **“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази”** филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги** номидан Низом (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи А. Мирзаев (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

## 3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 01.01.2022 санадан 31.03.2022 санагача 6 092 904,00 (олти миллион тўқсон икки минг тўққиз юз тўрт сўм 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 2 030 968,00 (икки миллион ўттиз минг тўққиз юз олтмиш саккиз минг сўм 00 тийин) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

## 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

## 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

## 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартнома ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланган пайтдан ва Молия вазирлигининг ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тадбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга ва 2022 йил 31 декабр қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| | |
|---|---|
| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филали**<br>Манзил: Тошкент,ш, А. Темур кўчаси 97 А.<br>Тел: (99) 836-7600<br>Электрон почта: b2b@uztelecom.uz<br>Банк маълумотлари:<br>ҳисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088<br>АТБ Алоқабанк<br>МФО: 00401<br>ИНН: 203366731<br>ОКЕД: 61100<br>Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди<br>ҚҚС 326 030 013 817 | **АБОНЕНТ:**<br>**Ўзбекистон Республикаси Сув Хўжалиги вазирлиги**<br>Манзил: Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани<br>Манзил: Қорасув 4 массиви, 11-уй<br>Тел:<br>Банк маълумотлари:<br>Хисоб раками: 100010860262697042401170001<br>Банк:<br>ИНН: 305601481<br>МФО: 00014<br>ОКЕД: 84111 |
| **Директор ўринбосари**<br><br>______________ **Хон А.Е.**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан**<br>Сув хўжалиги вазири ўринбосари<br><br>______________ А. Мирзаев<br>/имзо/<br>м.ў. |

SOTUV VA XIZMAT KO'RSATISH "MARKAZI" FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI

Техник қўллаб-қувватлаш: 1155
Ижрочи: Саидова Ф.
Тел.: (+998 99) 836-7585
Электрон почта: f.saidova@uztelecom.uz

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
Юридик бошқармаси
Имзо ______
“05” ______ 20 22 йил

2-илова

"05" январ 2022 йилдаги № CPIO-1504/NET -сонли абонент шартномаси

**Далолатнома**
**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди**
**"__" _________2022 йилдаги № CPIO-1504/NET**

| № | Хизматлар рўйхати | Сана | Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси |
|---|---|---|---|
| 1. | Business Unlim 100 тариф режаси бўйича 100 Мб/с тезлигида Интернет тармоғига, 100 Мбит/с UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига трафиги чекланмаган ҳолда уланиш учун Абонент тўлови | «  » _________2022йил. | Бажарилди |
| 2. | VPN (МСПД) тармоғига 10 Мб/с тезликда уланиш | «  » _________2022йил. | Бажарилди |
| 3. | Тармоқ остида IP- статикаси учун абонент тўлови | «  » _________2022йил. | Бажарилди |

**"Ўзбектелеком" АК номидан:**
**«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филали**

**Директор ўринбосари**

____________________ **Хон А.Е.**
/имзо/
м.ў.

**Абонент номидан:**
**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги**

**Абонент номидан:**
Вазир ўринбосари

____________________ А.Мирзаев
/имзо/
м.ў.

O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ
"SOTUV VA XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" FILIALI

100084 Toshkent sh. A. Temur 97A uy. T: (+998 99) 836-76-00. E-mail: b2b@uztelecom.uz www.uztelecom.uz
100084 г. Ташкент, ул А. Темур 97А. Т: (+998 99) 836-76-00. E-mail: b2b@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

№ 45-01-07/1159
«30» 12 2021

# ИШОНЧНОМА

**Тошкент шаҳри**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг "Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази" филиали тўғрисидаги Низом ва 2021 йил 30 декабрь кунидаги 27-01-14/6021-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи, Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 8-уйда жойлашган "Ўзбектелеком" АК "Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази" филиали (кейинги ўринда – Филиал деб юритилади) директори Туляганов Ядгар Рахимджанович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47, 138-140-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Филиал директори ўринбосари **Хон Александр Евгеньевичга (XON ALEKSANDR YEVGENEVICH**, паспорт маълумотлари: серия АА, № 1125685, Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан 2013 йил 26 мартда берилган) "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринда – Компания деб юритилади) номидан қуйидаги ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради:

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органларида (шу жумладан, хакамлик судларида) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида иштирок этиш (суд мажлисларида, процессуал ҳаракатларида иштирок этиш), даъвогар ва жавобгар сифатида тегишли ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек учинчи шахс сифатида иштирок этиш, Компания фойдасига (Филиал фаолияти доирасида) қабул қилинган суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижрога қаратиш ва ушбу ҳужжатларни ижро этиш жараёнида мол-мулк, пул маблағлари ёхуд бошқа моддий қимматликлар (мол-мулк)ни Филиал балансига қабул қилиш;

Филиал ваколатлари доирасида жисмоний шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар билан шартномалар (уларга қўшимча келишувлар/битимлар), телекоммуникация хизматларини, шунингдек мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаларини тузиш ёки бекор қилиш (имзолаш), харид қилиш шартномалари бундан мустасно;

ушбу ишончнома доирасида тузилган шартномалар (шу жумладан, илгари тузилган шартномалар) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатларини (шу жумладан, ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалари)и, таққослаш ва ўзаро ҳисоб-китоб далолатномалари) ва бошқа зарур ҳужжатларни имзолаш;

0005367

Филиал директори ўринбосари Хон А.Е. томонидан ушбу ишончнома доирасида амалга оширилган ҳаракатлари, шу жумладан имзоланган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ҳамда айрим ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги (мақбуллиги) учун жавобгардир.

Ушбу ишончнома **2022 йил 31 декабрга қадар** амал қилади.

Ушбу ишончноманинг амал қилиш муддати Компания бош директори ёки Филиал директори томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Хон Александр Евгеньевичнинг ________________ имзо намунасини тасдиқлайман.

Персонал билан ишлаш хизмати бошлиғи Д. Азизова________________.

**Филиал директори** Я. Туляганов

SOTUV VA XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" FILIALI

ASLIGA TO'GRI
«O'ZBEKTELEKOM» AK
"SOTUV VA XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI"
FILIALI PBIX

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И КОММУНИКАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# LITSENZIYA
# ЛИЦЕНЗИЯ

АА № 0005661

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 21 августа 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati: / Срок действия лицензии: с 23.02.2012г. dan / по 23.02.2017г. gacha

Litsenziatning nomi: / Наименование Лицензиата: Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari / Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001 в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей передачи данных

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

M.O. / М.П. Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati: / Срок действия лицензии продлен: с 24.02.2017г. dan / по 24.02.2022г. gacha uzaytirildi

M.O. / М.П. Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati: / Срок действия лицензии продлен: с ______ dan / по ______ gacha uzaytirildi

M.O. / М.П. Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 3468

---

000240

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"O'ZBEKTELEKOM " Aksiyadorlik jamiyati
(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"O'ZBEKTELEKOM " AJ
(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.02.2002 10-000240 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.
(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 203366731

Tashkiliy-huquqiy shakli: Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A.Temur shox ko'chasi, 97a-uy,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan
(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

ASLIGA TO'GRI
«O'ZBEKTELEKOM» AK
"SOTUV VA XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI"
FILIALI PBIX